Принцип историзма и культурной преемственности играет важную роль в процессе сохранения национальной идентичности. Категория преемственности позволяет выявить культурные и традиционные ценности народов, благодаря диалектической связи осуществляется преемственность старого и нового. Под культурными ценности понимается совокупность уникального материального и нематериального наследия народа, национальные традиции и обычаи, духовные и эстетические представления, ремесло, фольклор, танцевальное и театральное искусство, архитектурные сооружения. Культурные ценности как символ, который наиболее полно выражает самобытность народа, его интеллектуально-эмоциональную энергетику, отражает особенность национального характера, культурно-этническую идентичность нации.

Определяется что, культурные и эстетические ценности в Японии являются одним из главных приоритетов в формировании и укреплении национальной идентичности, закладывают фундамент к постижению прекрасного в традиционном японском обществе. Особое значение в эстетическом мировосприятии японцев имеет идеал прекрасного выраженный в трех историко-культурных символах: 物の哀れ (моно-но аваре) «очарование вещей»; 幽玄 (югэн) «сокровенная красота»; 寂び – 侘び (ваби-саби) «красота одинокой печали». Таким образом, самоопределение японского народа формируется на основе эстетических ценностей.

Традиционный японский театр иллюстрирует культурные и национальные особенности, коллективные переживания народа, способствует осознанию своей исключительности. Традиционный театр состоит из трех основных направления: 雅楽 (гагаку – изысканная музыка), 能 (но – мастерство, умение, талант) и 歌舞伎 (кабуки – танец, мастерство, искусное пение и танцы). Театр в своем проявлении опирался на эстетические категории подражание действительности 物の哀れ (мономанэ), вторая-концепция внутреннего смысла 幽玄 (югэн). Тем самым, иллюстрируя жизнь и быт народа, культурные особенности, исключительность. В древней Японии ритуальные танцы-заклинания, танцы-моления о ниспослании урожая или дождя, танцы-благодарности, подношения богам, подражания голосам и звукам птиц, животных «мономанэ», «генроку ханами одори» («Танец любования цветов сакуры») были частью традиционной культуры, основанной на гармонии между человеком и природой. Основой народного танца является религия синтоизм и дзен-буддизм, которые в свою очередь сформировали самодостаточность нации, также раскрыли природу в миропонимании японцев, неотъемлемой и важной частью их образа жизни, быта, мировоззрения, традиции, культуры и искусства.

Узбекские национальные ценности тесно связаны с общечеловеческими и региональными ценностями. Постоянная диалектическая связь между ними - один из важных факторов развития взаимосвязанной мировой цивилизации. В целом, национальные и культурные ценности являются одним из основных критериев, определяющих сущность каждой нации, то, что она является определенной независимой социальной единицей. Развитие культурных и эстетических ценностей, принципов и понятий на Средневековом Востоке связаны с суфизмом. В суфизме большое внимание уделялось категории Прекрасного, которое проявляется в божественном совершенстве. Главными принципами эстетики суфизма считается отказ от материального, телесного во имя идеального и нравственного. В суфизме красота выражается в три основные этапа: 1) абсолютная, неизменная, божественная красота; 2) красота предметов и явлений материального мира; 3) духовная красота – невидимая красота, связанная с деянием человека.

Традиционный узбекский театр существует на территории современного Узбекистана издавна. Истоки узбекского театрального искусства лежат в народных играх, связанных с календарными праздниками («Навруз», «праздник весенних тюльпанов», «снежное письмо» и т.д.), семейные торжества сопровождались пением, танцами, играми и имели элементы театрализации. Танцевальная культура узбекского народа представляет собой одно из наиболее сложных художественно-культурных явлений, что обусловлено определенным взаимодействием с культурными традициями народов, которые формировались под прямым воздействием религиозных и бытовых обычаев, обрядов. Таким образом в танце отражается вся сущность узбекского народа, олицетворялась красота и традиции, культура и характер: танец подражание птицам и зверям «Кум-пишик» («Суслик»), «Эчки-уйин» («Танец козы»), «Каптар-уйин» («Игра голубей»); танцы иллюстрирующие трудовую деятельность народа: «Ошпаз» («Повар»), «Этикдуз» («Сапожник»); цирковые танцы «Машъала» («Танец с факелами»), «Утуйин» («Танец с огнём»), «Дорбоз» («Танец на канате») и др.

Суммируя вышесказанное можно сделать вывод, что основной задачей каждой нации является бережное сохранение и приумножение неповторимого и великого исторического, культурного и интеллектуального наследия, традиций народа, а также широкую популяризацию его достижений среди подрастающего поколения. Защита национальных интересов и культурных ценностей – сохранение и обогащение национальной идентичности. Ибо, культурные ценности оставляют огромный отпечаток на национальной идентичности, укреплении духа и менталитета обоих народов.

Одним из важных компонентов культурной традиции представляется язык, так как он является индикатором идентичности, средством формирования определенного образа мышления и менталитета народа. Язык как элемент воспроизводства определенной информации несет в себе историческую память, культурное и литературное наследие и служит основным средством коммуникации каждой нации. В связи с этим, встает вопрос о важности языка в формировании и репрезентации национальной идентичности. В языке выражаются культурно-ценностные особенности, составляющие основу нации и этноса. Язык представляет собой мощный механизм объединения нации и способствует решению задачи сохранения национальной идентичности на изломе становления нового миропорядка;

В современных условиях трансформация национальной идентичности напрямую зависит от изменений, происходящих в политике, экономике, социальной сфере, а также с распространением «массовой культуры», культа потребительства, что приводит к разрушению морали и ценностных ориентиров, к нравственно-духовной переориентации, стремлению к прагматизму, и к сожалению оскудению национальных ценностей. В этой связи, возрастает необходимость сохранения и приумножения всего того, что определяет духовный мир человека, культуру и самобытность народа.

В данном контексте следует выделить ряд факторов, влияющих на трансформацию национальной идентичности в целом: во-первых, происходит процесс «деперсонализации», то есть процесс отчуждения личности. Одной из наибольших угроз это социальное и духовное отчуждение. Во-вторых, кризис национальной идентичности, связан с искажением традиционных социальных институтов которые играют большую роль в системе формирования и развития идентичности (семья, социальные и идеологические институты). В-третьих, из-за влияния современных технологий (интернет, социальные сети, инновационные технологии, гаджеты) происходит трансформация духовного развития личности, что приводит к изменению национальной идентичности в целом.В-четвертых, динамичное развитие глобализационных, геополитических, социально-политических, экономических, региональных, социокультурных процессов и т.д. В-пятых, навязывание и пропаганда чуждой культуры, традиций и идей, как единой системы ценностей.

В настоящее время Японии делает акцент на внутренних проблемах и ограждает себя от иностранного влияния. Влияние американской и западной культуры привели к трансформации в экономической сфере, социокультурных и ценностных ориентациях, семейных ценностях и культурной жизни японского народа. Тем не менее, Япония всегда была «закрытой страной», «загадочной страной» в которой сочетание традиционной системы и новейших технологий привели страну к быстрому экономическому развитию. «Японское экономическое чудо» это исторический феномен является показателем невероятного терпения и упорства, коллективизма, трудолюбия, самоотверженности японского народа. В рамках укрепления национальной политики правительство Японии приняло решение создать бренд «Cool Japan»[18], как средство продвижения Японии в качестве культурной державы в мире с помощью национальной культуры, идеологии, экономики, образования.

Несомненно, глобализация внесла свои коррективы в процессе развития национальной идентичности в Узбекистане. В Узбекистане большое внимание уделяется сохранению национального достояния, популяризации традиций и особое внимание уделяется воспитанию молодого поколения. Все это реализуется в рамках молодежной политики Республики Узбекистан. Особое значение уделяется вопросам гендерного равенства, так как женщине присуще сохранение, развитие и адаптацию национальной идентичности, формирование национального самосознания, понимание тонкостей национальных традиций. В современном обществе религиозный аспект самоидентификации в Узбекистане играет одну из важных компонентов в объединении местного населения. В современном Узбекистане такие качества как толерантность, уважение, гуманность обретают большую ценность как средство межрелигиозного диалога и взаимопонимания.

[18] Официальный ресурс Министерства экономики, торговли и промышленности URL: http://www.meti.go.jp/policy/mono_info_service/mono/creative/index.htm

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

В результате исследования сформулированы следующие выводы:

1. Рассмотрены основные подходы к определению «идентичности» в истории философии, в рассуждениях философов античности, средневековья, эпохи Возрождения, Нового времени. Истолкование феномена идентичности в классической философии представлялось через категорию «тождества» и «самость», и было связано с субъектом. В западной философии представление об идентичности связано с личностной идентичностью, нежели чем с этнической или национальной.

2. Феномен национальной идентичности присуще такие характеристики, как: социальная сущность, общность и отличительность, диалоговость и интерактивность, конструирование, многоуровневость. Структура национальной идентичности состоит из трех компонентов: когнитивный, аттитюдный, конативный. Теория национальной идентичности в современной науке развивается в рамках трех фундаментальных подходов: примордиализм, конструктивизм, инструментализм.

3. В процессе длительного социально-исторического развития японской национальной идентичности процессы, запущенные в эпоху Мэйдзи, привели к огромным изменениям социальной жизни японцев. В процессе эволюции историко-философского наследия в Японии развивались национальные исследования «кокугаку», философское учение о сердце «сингаку», «вакон-ёсай», «вакон-кансай». В историко-философском наследии Узбекистана в процессе формирования национальной идентичности повлияло религиозно-философское мировоззрение Авесто, буддизм, ислам, суфизм оставив отпечаток на национальном характере узбекского народа и проявив такие качества как доброта, созидательность, коллективизм.

4. Национальное самосознание являясь важным компонентом национальной идентичности представляет собой комплекс знаний, хранящий в себе этнического и культурно-историческое представление о народе. На ранних этапах формирования нации присущи религиозное и мифологическое самосознание. Становление японского национального самосознания основано на заимствовании «иитоко-дори» адаптивности, ассимиляции, подстраиваемости и опасности потери национальной идентичности. На формирование узбекского национального самосознания повлияло национальное движение джадидов, основной целью которых являлось стремление к справедливости, пробуждении нации, улучшении образования и культуры, осознание национальных ценностей.

5. Национальная идентичность каждого народа взаимосвязана с национальным менталитетом и ментальностью. Японский и узбекский менталитет образовался на базе традиционных и религиозных ценностей. В процессе сравнительного анализа национальной идентичности японского и узбекского народов выявили такие схожие качества как общинность и коллективизм, патернализм, чувство долга, уважительное отношение к старшим и младшим, толерантность, терпеливость и простота.

6. Выявлены особенности формирования японской и узбекской национальной идентичности и пришли к однозначному выводу о том, что Япония гармонизирует свои отношения, сохраняя свою уникальность и традиции, но интегрируя в межкультурном сообществе. Узбекская национальная идентичность проходит сложный этап формирования, и выстраивает четкий образ национальной идентичности, через призму традиционных ценностей.

7. Принцип преемственности традиций показывает непрерывную связь в системе развития человеческой культуры. Тем самым культурные ценности диалектически связаны с народом и способствуют сохранению связи времен, исторической памяти поколений и национального самосознания.

8. Трансформация идентичности обусловлена изменениями общества. В современном обществе в условиях быстро меняющегося мира традиционные социальные институты семьи, государства, образования, стали нестабильными, и, как следствие, нормой для личной и национальной идентичностей выступают множественность и пластичность. Проходя через кризисы идентичности, человек видоизменяет свою идентичность под воздействием СМИ, массмедиа ресурсов, информационных технологий.

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.F.01.05. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

РАВШАНОВА МАХФУРАТ МУРОД КИЗИ

ЯПОНИЯ ВА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚЛАРИ МИЛЛИЙ ИДЕНТИКЛИГИНИНГ ФАЛСАФИЙ-КОМПАРАТИВ ТАҲЛИЛИ

09.00.03 – Фалсафа тарихи

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2022

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/Fal305 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (ik-falsafa@nuu.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Иззетова Эмине Мустафаевна** фалсафа фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	**Каримов Бахтиёр Рахмонович** фалсафа фанлари доктори, профессор
	Мадаева Шахноза Омонуллаевана фалсафа фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Тошкент давлат иқтисодиёт университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.F.01.05. рақамли Илмий кенгашнинг _____ йил «____» _____ соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона. Тел: (99871) 246-02-24; факс: (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел: (99871) 246-02-24; факс: (99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати _____ йил «____» _____ куни тарқатилди.

(_____ йил «____» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

И.С. Саифназаров,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, сиёсий фанлар доктори, профессор

Г.М.Рузматова,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, фалсафа фанлари доктори, профессор

О.Дж.Нишанова,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, фалсафа фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги давр дунёси постиндустриал жамиятида глобаллашув жараёнлари, интеграция ва коммуникация жараёнлари ўтказувчанлигининг кучайиши билан бир қаторда, миллий идентиклик каби универсалияни ўрганиш муаммоси долзарб бўлиб бормоқда. Глобал ўзгаришлар маданиятлар ва халқларнинг ассимиляцияси, миллий идентикликка салбий таъсирларнинг кучайиши билан бирга кечмоқда, булар маданий жиҳатдан ўзини ўзи рўёбга чиқариш, миллий қадриятлар ва давлат манфаатларини сақлаб қолиш истагини келтириб чиқармоқда. Халқ ўзига хослигининг йўқолиши хавфи оқибатида миллий идентикликни сақлаш ва тақдим қилишга янгича ёндашувни излаш зарурати пайдо бўлмоқда. Шу муносабат билан миллий идентикликнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга қаратилган фалсафий-тарихий, назарий-методологик тадқиқотларга эҳтиёж ортиб бормоқда.

Жаҳон илмий тадқиқотларида идентиклик ҳодисаси, миллий идентиклик, миллий ўзликни англаш, менталитетни таҳлил қилиш долзарб вазифа ҳисобланади. Халқаро илмий тадқиқот институтлари ўз лойиҳаларида идентиклик муаммосининг фалсафий, этнологик, антропологик, социологик жиҳатларини ўрганмоқда. Хусусан, Японияда Шарқ маданиятини ўрганиш илмий-тадқиқот институти (RIOC), Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институти қошидаги Японшунослик маркази, Франциядаги Марказий Осиё тадқиқотлари институти (IFEAC) ўз диққат-эътиборини Марказий Осиёда яшовчи халқларнинг маданияти, турмуш тарзи ва этник идентиклиги масалаларига қаратмоқда.

Ўзбекистон Республикасида миллий анъаналарни янада бойитиш, миллий қадриятларни қайта тиклаш, миллий идентикликни шакллантириш ва мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Япония ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстона муносабатларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш борасида муҳим қадамлар қўйилди. Нагоя университетида бўлиб ўтган учрашувда Президентимиз Ш.М. Мирзиёев «ўзбек ва япон халқларини ўхшаш миллий ва ахлоқий қадриятлар билан бирга илм-фан ва тафаккурга, камолотга доимо интилиб яшаш каби эзгу фазилатлар бирлаштириши»ни таъкидлади[19]. Шундай қилиб, бир миллатли Япония ва кўп миллатли Ўзбекистоннинг миллий идентиклигида умумийлик ва хусусийлик шаклланишининг омилларини тадқиқ қилиш идентиклик моҳияти ва мазмунини тушунишга имкон беради ва шунга мос равишда илмий ва амалий қиймат касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги «Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5046-сон, 2020 йил 20 октябрдаги «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари

[19] https://uza.uz/uz/posts/davlatimiz-ra-bari-nagoya-universitetining-fakhriy-doktori-18-12-2019

тўғрисида»ги ПФ-6084-сон фармонлари, 2018 йил 14 августдаги «Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3907-сон, 2019 йил 28 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4553-сон қарорлари ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбек миллий тафаккурининг шаклланиши тарихида умуминсоний қадриятлар тизими, турмуш тарзи, урф-одат ва анъаналар, маданият ўз аксини топган маънавий мерос – «Авесто» муҳим ўрин эгаллаган. Шарқ Уйғониш даврида Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий каби таниқли аллома ва мутафаккирлар Марказий Осиёда ижтимоий-гуманитар фанлар ривожланишига катта ҳисса қўшдилар, шунингдек, ўзбеклар ва минтақанинг бошқа халқлари этномаданий ривожланишини янги босқичга кўтардилар. Беруний ўзининг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» номли фундаментал тадқиқотида «ёдгорликларни» одамларнинг ижтимоий-маданий ҳаёти, дини, эътиқоди ва урф-одатлари билан боғлайди[20].

Фалсафий-тарихий анъанада идентикликни ўрганиш узоқ давом этган ривожланиш жараёни ҳисобланади, Платон қарашларида инсоннинг идентиклиги руҳий ва жисмоний жиҳатларининг бирлиги сифатида қаралади, Аристотел идентикликни айният категорияси сифатида кўриб чиқади. Ўрта асрлар фалсафаси вакиллари (Фома Аквинский, Николай Кузанский) идентикликни, биринчи навбатда, инсоннинг Яратганга ўхшашлиги билан изоҳладилар. Янги давр фалсафасида идентиклик «субстанциаллик» (фикр юритувчи субстанция) сифатида талқин қилиниб, Р.Декарт, Ж.Локк, Д.Юм ва бошқалар асарларида ўрганилган. Идентиклик ҳодисасининг методологик жиҳатлари З.Фрейд толмонидан кўриб чиқилган[21].

Диссертация тадқиқоти анъанавий япон маданиятининг инсоннинг турмуш тарзини ва дунёни идрок қилишининг хусусиятларини қайта тиклашга имкон берадиган ёзма ёдгорликларга асосланган. Булар, аввало, «Кодзики» («Қадимги даврда бўлган ишлар баёни», 712 йил), «Ниҳон сёки» («Япония йилномалари», 720 йил) каби йилнома-мифологик тўпламлар, «Манъёсю»

---

[20] Абу Райҳан Беруни. Памятники минувших поколений. Т. 1. – Т.: Фан, 1968.

[21] Платон. Собр. соч. В 4 т. Т. 3. – М.: Мысль, 1994; Аристотель. О душе / Аристотель // Сочинения. В 4 т. Т. 1 / Аристотель. – М.: Мысль, 1975; Декарт Р. Избранные произведения. – М.: Государственное издательство политической литературы, 1950; Локк Дж. Опыты о человеческом разумении // Соч. в 3-х Т.1. – М.: Мысль, 1985; Фрейд З. Почему война? / З. Фрейд. – М.: Прогресс, 1992.

(«Ўн минг авлод тўплами», VIII аср) каби шеърий антологиялардир. Япония фалсафий-тарихий меросидаги идентикликнинг тарихий шакллари динамикаси Нагата Хироси, Стефан Танака, Ёшино Косаку, Кунио Ёшихара каби олимлар таджқиқотларида ўрганилган [22]. Ёсихито Карибэ ўз диссертациясида анъанавий япон идентиклигининг ривожланиш динамикасини қадим замонлардан то глобаллашув давригача тадқиқ қилган[23]. Ичижо Ацуко, Ямагучи Сатоси, Иида Юмико асарларида Японияда миллий идентикликнинг шаклланишига асос солган «кокутай» миллий концепциясининг асосий жиҳатлари аниқланган. Миллий идентикликни конструкциялашда япон тилининг аҳамияти Кадзуаки Судо, Наоки Сакаи, Сёичи Ватанабе асарларида кўриб чиқилган.

Маданиятларнинг ўзаро таъсири ва миллий идентиклик инқирози муаммосига бағишланган замонавий тадқиқотларни Ғарб сиёсатшунослиги ва социологиясининг С.Хантингтон, А.Смит, Э.Эриксон, Ю.Хабермас, Э.Хобсбаум каби таниқли вакиллари асарларисиз тасаввур этиб бўлмайди[24]. Тадқиқотчи Э.Эриксон маданий меъёрлар интернализацияси, ижтимоий мақом ва ижтимоий ролларни ўзлаштиришда ижтимоий омилларнинг аҳамиятини ажратиб кўрсатади, булар идентификациянинг натижадор томонини ташкил қилади.

Миллий идентиклик сақланиши муаммосининг долзарблиги ҳозирги давр дунёсидаги глобал жараёнлар билан шартланган. Глобаллашув шароитида миллий идентиклик муаммоларига оид масалалар В.Батырёв, К.Гаджиев, К.Туаева, И.Малыгиналар тадқиқотларида, глобаллашув жараёнлари даврида япон миллий идентиклигининг намоён бўлиши ва унинг ўзига хос хусусиятлари О.Новикова, А.Мещеряков, Э.Молодякова, А.Мошняга каби рус японшунос олимларининг махсус тадқиқотларида келтирилган [25]. Миллий

---

[22]Кодзики («Записи о деяниях древности») / Пер., Е. Пинус, Л. Ермаковой, А. Мещерякова. – СПб.: ШАР, 1994; Нихон сёки («Анналы Японии») / Пер. Л. Ермаковой, А. Мещерякова. – СПб.: Гиперион, 1997; Манъёсю («Собрание десяти тысяч поколений») / Пер., А. Е. Глускиной. – М.: Восточная литература, 1971; Нагата Х. История философской мысли Японии /пер. с яп., общ. ред. и вступ. ст. Ю.Б. Козловского. – М.: Прогресс, 1991; Stefan T. Japan's Orient: Rendering Pasts into History. – Berkeley: University of California Press, 1993; Yoshino K. Cultural Nationalism in Contemporary Japan: A Sociological Enquiry. – New York: Routledge, 1999; Kunio Yo. Globation and national identity: the Japanese alternative to the American model. – Falcon Press, 2001.

[23] Карибэ Ё. Традиционная японская идентичность (с древних времен до эпохи глобализации): Автореф. дис. канд. историч. наук. – Москва, 2004.

[24] Хантингтон С. Кто мы? Вызовы американской национальной идентичности: пер. с англ. – М.: АСТ, 2008; Smith A. Towards a global Culture? In Global Culler: Nationalism, Globalization and Modernity. – London: Sage, 2000; Smith A. D. Interpretations of national identity // Dieckhoff, A. Modem roots. Studies of national identity / A. Dieckhoff, Gutierrez, Natividad. - Aldershot: Ashgate, 2001; Эриксон Э. Детство и общество. – СПб.: Питер, 2019; Хабермас Ю.В. В поисках национальноӣ идентичности. – Донецк: Донбасс, 1999.

[25] Батырев Д. Н. Проблема национальной идентичности в глобализирующемся мире: социально-философский анализ. Автореф. дис. ... канд. филос. наук. – Ростов-на-Дону, 2009; Гаджиев К.С. Национальная идентичность: концептуальный аспект // Вопросы философии. – 2011. – №10; Туаева К.Г. Философские основы национальной идентичности // Вестник ГУУ. – №8, 2014; Малыгина И.В. Идентичность в философскоӣ, социальноӣ и культурноӣ антропологии. – М.: Согласие, 2018; Новикова О. С. Особенности социальной самоидентификации при переходе от традиционного общества к современному (на примере Японии): Автореф. дис. ... канд. филос. наук. – Красноярск: СФУ, 2016; Молодякова Э. В. Глобальные вызовы – японскиӣ ответ. – М.: АИРО–XXI, 2008; Чугров С.В. Япония: гибридизация и гармонизация / С.В. Чугров // Полис. – 2008; Мошняга П. А. Японская культура в глобализирующемся мире // Знание. Понимание. Умение. – Москва, 2008.

идентиклик миллий этниклик ва этник идентиклик муаммоларига бағишланган тадқиқотлар билан бевосита боғлиқ. Япон халқининг этногенези жараёнида миллий идентиклик ҳодисасини АИванов, Э. Молодякова, С.Б.Маркарьян каби олимлар ўз асарларида кўриб чиққанлар.

Ўзбек халқи этногенезининг шаклланиши муаммоси таниқли тарихчилар А.Асқаров, В.Бартольд, А.Илҳомов, А.Яқубовский, К.Шониёзов асарларида тадқиқ этилган. Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида ўзбек миллий идентиклигининг ўзига хос хусусиятлари М.Асқаров асарларида этнографик ёндашув призмаси орқали кўриб чиқилган. Республика олимлари Ш.Мадаева, А.Аширов, М.Қуронов, М.Бекмуродовларнинг илмий қизиқишлари миллий менталитет ривожига қаратилган. Юқорида қайд этилган асарлар, асосан, миллий менталитет табиатини, унинг мустақиллик шароитида шаклланишининг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради, улар миллий идентикликни сақлашга иенталитет таъсирини фалсафий таҳлил қилишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Глобаллашув шароитида миллий идентикликнинг шаклланиши ва сақланишида миллий ўз-ўзини англашнинг детерминация қилувчи роли С.Отамуратов, У.Саидов, Н.Назаров, И.Хўжамуродов, Ж.Туленов асарларида ўрганилган[26]. Этник ва миллий идентикликнинг социологик тадқиқотлари М. Ғаниева ва Х. Қодирова ишларида кўриб чиқилган.

Ш.Мадаева томонидан идентиклик ҳодисасининг батафсил назарий-методологик тадқиқи амалга оширилган[27]. З.Одинаева эса фалсафий-концептуал ёндашув орқали ўзбек миллий идентиклигининг аксиологик тамойил ва қонуниятларини ўрганган. Олима ўз диссертациясида ўзбек халқи тарихида «миллиӣ идентиклик», «миллиӣ идентификация» тушунчалари аксиологик нуқтаи назардан ижтимоиӣ-сиёсиӣ жараёнлар контекстида очиб берилган[28].

Айни пайтда, шу кунгача япон ва ўзбек халқлари миллий идентикликнинг ўзига хос хусусиятларини илмий нуқтаи назардан чуқурроқ тушунишга имкон берадиган комплекс фалсафий-тарихий тадқиқотлар олиб борилмаган.

Тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик университетининг илмий-тадқиқот ишлари

---

[26] Мадаева Ш.О. Ўзбек менталитетида демократик тафаккурнинг шаклланиш хусусиятлари: Фал. фан. фал. докт. … дис. – Тошкент, 2009; Аширов А. Ўзбек миллий менталитети ҳақида баъзи мулоҳазалар //Ўзбек халқининг келиб чиқиши: илмий-методологик ёндашувлар этногенетик ва этник тарихи. – Тошкент: 2004; Қуронов М. Ўзбек характери ва миллий ғоя. – Тошкент: Маънавият, 2005; Бекмуродов М.Б. Национальный менталитет в контексте изучения общественного мнения // International Journal of Central Asian Studies. – № 9. – 2004; Отамуратов С.С. Глобаллашув ва миллат. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008; Отамуратов С.С. Глобаллашув: миллатни асраш масъулияти (сиёсий-фалсафий қирралари) – Тошкент: Ўзбекистон, 2018; Саидов У. Глобаллашув ва маданиятлаларо мулоқот. – Тошкент: Akademiya, 2008; Назаров Н. Мустақиллик шароитида этноижтимоий жараёнлар. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, 2005; Хўжамуродов И., Абдураимова М. Сиёсат, дин ва миллий ўзликни англаш // Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2010; Туленов Ж. Кадриятлар фалсафаси. – Тошкент: Узбекистон, 1998.

[27] Мадаева Ш.О. Идентиклик антропологияси. – Тошкент: Noshir, 2015. – 176 б.

[28] Одинаева З.И. Ўзбек миллиӣ идентиклиги аксиологик тамойиллари ва қонуниятларига фалсафиӣ концептуал ёндашув: Фал. фан. фал. докт. … дис. автореф. – Тошкент, 2020. – 48 б.

режасига мувофиқ «Шарқ фалсафаси ва маданияти қадриятлари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Япония ва Ўзбекистон халқлари миллий идентиклигининг моҳияти ва хусусиятларини тарихий-фалсафий ёндашув призмаси орқали очиб беришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

фалсафий-тарихий дискурс контекстида миллий идентиклик моҳиятини талқин қилишга илмий ёндашувларни таҳлил қилиш;

фалсафий-тарихий таҳлил асосида Япония ва Ўзбекистонда миллий идентиклик ҳақидаги тасаввурларнинг эволюциясини кўрсатиб бериш;

компаратив таҳлил асосида Япония ва Ўзбекистон халқлари этногенези жараёнида миллий идентикликнинг табиати ва ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

Япония ва Ўзбекистон халқлари миллий идентиклигининг шаклланиши ҳамда ривожланишига миллий ўзликни англаш, менталитет, миллий характер, маданий қадриятларнинг таъсирини асослаб бериш;

XXI аср воқелигида япон ва ўзбек халқлари миллий идентиклигидаги трансформация тенденцияларини аниқлаш.

Тадқиқот объектини Япония ва Ўзбекистон халқлари миллий идентиклиги ташкил қилади.

Тадқиқот предмети Япония ва Ўзбекистон халқлари миллий идентиклигининг фалсафий-тарихий жиҳатларидан иборат.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда фалсафий-компаратив, тарихий ва мантиқий таҳлил, аналогия ва талқин қилиш, илмий объективлик, фанлараро ёндашув каби илмий билиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ижтимоий-тарихий, маданий динамика ва миллий ўз-ўзини англашнинг миллий идентиклик генезисига фалсафа, дин, урф-одат, тил ва миллий байрамларнинг таъсири очиб берилган, миллий идентиклик мамлакатлар ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришнинг муҳим таркибий қисми бўлиб хизмат қилиши фалсафий жиҳатдан далилланган;

Япония ва Ўзбекистоннинг миллий идентиклик моделларида этногенез, онг ва миллий ўзлик босқичларининг ўзаро диалектик боғлиқлиги исботланиб, ушбу моделлардаги умумий (коллективизм, патернализм) ҳамда хусусий (этник, маданий-цивилизацион ривожланиш, миллий мафкура, географик ва диний омиллар) жиҳатлар аниқланган;

миллий идентикликнинг ижтимоий ҳодиса сифатидаги моҳияти ва тузилишининг тарихий, социомаданий, концептуал (когнитив, аттитюд, конатив) асослари, примордиализмнинг маълум бир этник гуруҳ ва ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб турадиган миллатга мансублиги, конструктивизмнинг этник сунъий конструкт сифатида, инструментализмнинг ситуацион, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий жиҳатлари очиб берилган;

Япония ва Ўзбекистон халқлари тажрибасида «Шарқ – Шарқ» мулоқоти форматида миллий идентиклик инқирозини бартараф этишда диний ва маданий анъаналар ўртасидаги фарқни ҳамда бағрикенглик, ҳурмат, инсонпарварлик каби фазилатларни улуғлашдаги ўхшашликни миллий идентикликка хос ворисийлик ва фалсафий тафаккур тараққиёти маҳсули эканлиги аксиологик, маънавий-марифий, мафкурафий, тарихий-фалсафий омилларнинг намоён бўлиши очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагиллардан иборат:

миллий идентикликни фалсафий талқин қилишнинг аҳамияти асослаб берилган хамда глобал дунёнинг ноаниқлиги, беқарорлиги, ўзгарувчанлиги шароитида миллий идентикликни сақлаш ва мослаштириш йўллари аниқланган;

япон ва ўзбек халқлари миллий идентиклигининг трансформация жараёнларига оммавий ахборот воситалари ва Интернет таъсирининг олдини олиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот натижалари республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тақдим этилган илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан илмий фаолиятда фойдаланилиши мумкинллиги ҳамда мазкур йўналишда кейинги тадқиқотлар учун назарий манба бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади. Тадқиқот натижаларидан олий таълим муассасаларида бакалавр ва магистратура босқичларида «Фалсафа», «Шарқ фалсафаси ва маданияти», «Маданият назарияси ва аксиология», «Жаҳон ва Ўзбекистоннинг тарихий ва маданий мероси» каби фанларни ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Амалий тавсиялардан ижтимоий институтлар, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ва унинг филиаллари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, “Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази фаолиятида, шунингдек, мазкур соҳада маънавий-маърифий тадбирлар ташкил қилишда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Япония ва Ўзбекистон халқларининг миллий идентиклигининг ўзига хослигини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

ижтимоий-тарихий, маданий динамика ва миллий ўз-ўзини англашнинг миллий идентиклик генезисига фалсафа, дин, урф-одат, тил ва миллий байрамларнинг таъсири очиб берилган, миллий идентиклик мамлакатлар ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришнинг муҳим таркибий қисми бўлиб хизмат қилиши фалсафий жиҳатдан аниқланганлигига оид натижа ва хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги фаолиятида фойдаланилган (Инновацион

ривожланиш вазирлигининг 2021 йил 18 июндаги 02-19/3572-сон маълумотномаси). Натижа ва хулосалар япон шериклар, хусусан, олимлар, талабалар ва аҳолининг бошқа қатламлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйишда, шунингдек, вазирлик томонидан қўйилган мақсадларни амалга оширишда қўлланма бўлиб хизмат қилган;

Япония ва Ўзбекистоннинг миллий идентиклик моделларида этногенез, онг ва миллий ўзлик босқичларининг ўзаро диалектик боғлиқлиги исботланиб, ушбу моделлардаги умумий (коллективизм, патернализм) ҳамда хусусий (этник, маданий-цивилизацион ривожланиш, миллий мафкура, географик ва диний омиллар) жиҳатлар исботланганлигига оид илмий хулоса ва тавсиялардан «Ўзбекистон» телеканалининг «Бедорлик», «Таълим ва тараққиёт», «Адабий жараён» номли радиоэшиттиришлари сценарийларида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 8 июндаги 04-25-981-сон маълумотномаси).Олинган натижалар радиотингловчиларда япон ва ўзбек миллий идентиклигининг шаклланиш жараёни ҳамда ривожланиш босқичлари ҳақидаги билимлар ривожланишига хизмат қилган;

миллий идентикликнинг ижтимоий ҳодиса сифатидаги моҳияти ва тузилишининг тарихий, социомаданий, концептуал (когнитив, аттитюд, конатив) асослари, примордиализмнинг маълум бир этник гуруҳ ва ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб турадиган миллатга мансублиги, конструктивизмнинг этник сунъий конструкт сифатида, инструментализмнинг ситуацион, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий жиҳатлари асоланганлигига оид илмий хулоса ва тавсиялардан «Ўзбекистон тарихи» телеканалининг «Тақдимот» кўрсатуви сценарийсини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 14 октябрдаги 01-02-1626-сон маълумотномаси). Натижада кўрсатувда ўз аксини топган илмий материаллар телетомошабинларнинг миллий идентиклик табиати ва тузилишига доир билимларини оширишга хизмат қилган;

Япония ва Ўзбекистон халқлари тажрибасида «Шарқ – Шарқ» мулоқоти форматида миллий идентиклик инқирозини бартараф этишда диний ва маданий анъаналар ўртасидаги фарқни ҳамда бағрикенглик, ҳурмат, инсонпарварлик каби фазилатларни улуғлашдаги ўхшашликни миллий идентикликка хос ворисийлик ва фалсафий тафаккур тараққиёти маҳсули эканлиги аксиологик, маънавий-марифий, мафкурафий, тарихий-фалсафий омилларнинг тадқиқ қилинганлигига оид илмий натижалар ва хулосалардан «Япония ва Ўзбекистон халқларининг маданияти, урф-одатлари ва анъаналари» семинари доирасида фойдаланилган (Ўзбек-Япон марказининг 2021 йил 18 майдаги 50-сон маълумотномаси). Илмий натижалар ёшларда «Шарқ – Шарқ» сўзлашуви форматидаги миллий идентиклик ва унинг ривожланиш босқичлари ҳақидаги билимларни бойитиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро даражадаги, 11 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияда маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола (4 таси республика, 3 таси хориж журналида) эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация «Кириш», учта боб, «Хулоса», «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»дан иборат. Диссертациянинг ҳажми 129 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, унинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўлишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти, предмети, методлари баён қилинган, ишнинг илмий янгилиги, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий-амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Фалсафа тарихи контекстида миллий идентиклик муаммосининг генезиси ва эволюцияси»** деб номланган биринчи бобида фалсафа тарихида «идентиклик» ва «идентификация» тушунчаларини кўриб чиқишга асосий ёндашувлар ўрганилган, миллий идентиклик ҳақидаги тасаввурлар генезисининг ижтимоий-маданий асослари таҳлил қилинган, Япония ва Ўзбекистон халқларининг миллий идентиклиги ҳақидаги тасаввурлар эволюцияси фалсафий-тарихий нуқтаи назардан таҳлил қилинган.

Идентиклик деганда “Мен кимман (ёки нимаман), мени ўзгалардан нима ажратади?” деган савол кўзда тутилади. Демак, идентиклик – бу “Мен”ни ва атрофдаги оламни бир-биридан ажратиш имконини берадиган моделдир. Идентикликни таъриф сифатида кўришда, биринчи навбатда, лотинча «idem» - “айнан ўша” сўзидлан келиб чиққанлигини назарда тутиш керак. Шунингдек мазкур тушунчага тегишли инглизча «identity» сўзи ҳам бир нечта маънога эга, булар: айнанлик, бир хиллик, индивидуалликдир. Таъкидлаш жоизки, “идентиклик” ва “идентификация” тушунчаларини фарқлаш лозим, чунки идентификация – бу жараён, идентиклик эса – мазкур жараённинг натижасидир.

Классик фалсафа доирасидаги фалсафий-тарихий анъанада мазкур муаммонинг муҳокамаси «айният», «ўзлик» тушунчаларини кўриб чиқиш контекстида олиб борилган, яъни у субъектнинг айнанлиги тавсифи билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Платон таълимотида инсоннинг идентиклиги маънавий ва жисмоний жиҳатлар бирлиги сифатида қаралган, Аристотель эса идентикликни «айнанлик-тафовут» категориялари нуқтаи назаридан борлиқ тавсифи сифатида талқин қилган. Ўрта асрлар фалсафаси вакиллари (Фома Аквинский, Николай Кузанский) идентикликни, биринчи навбатда, одамни ўз

қиёфаси ва тарзига ўхшаб яратган Худо билан айнийлаштирдилар. Янги давр фалсафасида идентиклик «субстанционаллик» (фикрловчи субстанция) сифатида талқин қилинади, бундай ёндашувни Р.Декарт, Ж.Локк, Д.Юм асарларида кузатиш мумкин.

Идентиклик ҳодисаси глобаллашув жараёнларини таҳлил қилишда муҳим объект ҳисобланади. Бир томондан, глобаллашув фан, техника, тиббиёт, иқтисодий ва сиёсий муносабатлардаги ўзгаришларга ижобий туртки беради, бошқа томондан, глобал маданият, тафаккур, менталитетларнинг ёйилишиига (экспансиясига) олиб келади, бунинг натижасида миллий қадриятлар тизимининг алмашиниши, маданий хилма-хилликнинг бир хиллашиши (унификацияси) юз беради. Илмий адабиётларда идентикликнинг асосий хусусиятларини аниқ тушуниш мақсадида «миллий идентиклик» атамасини фанлараро ёндашув призмаси орқали кўриш зарур. Назариётчилар томонидан миллий идентиклик муаммоси турлича талқин қилинади. С.Хантингтон миллий идентиклик деганда ўзига хос хусусиятларга эга бўлган индивид, гуруҳ, миллатнинг ўзини-ўзи англаши деб тушунган. К.Гаджиев ва Э.Смитларнинг миллий идентикликка берган таърифи миллий идентиклик тарихий хотира асосида шаклланиши ғоясига асосланган.

Ш.Мадаева ўз илмий қизиқишини идентикликка қаратиб, идентиклик инсоннинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий, кундалик-маиший тизимларга мансублигига ҳамда мазкур ижтимоий гуруҳ ичидаги ахлоқий стереотиплар ҳақидаги тасаввурларга асосланади, у «Мен кимман?», «Менинг бошқалардан фарқим нимада?» деган саволларга жавоб ахтаришга асосланган “ўзликни” тушуниш жараёнида қийин йўлни босиб ўтади, деб ҳисоблайди[29].

Юқорида айтилганлардан хулоса қилиб, миллий идентиклик таърифини аниқлаштирамиз: «миллий идентиклик – миллатнинг тарихий тараққиёти негизида шаклланган умумий ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тасаввурлар, маданий ва маънавий қадриятларни англаб етиши ва уларга мансублигини ифодалайди».

Миллий идентикликнинг ўзига хос хусусиятларини аниқ таҳлили учун миллий идентиклик тузилишининг учта асосий компонентини ажратиб кўрсатамиз: 1) когнитив (тавсифловчи) - инсоннинг миллий ўз-ўзини англашни ўз ичига олган ўзи ва миллатининг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги тасаввури; 2) аттитюд – ўз миллати ва бошқа миллатларга нисбатан эмоционал-баҳоловчи муносабат, бунга миллий характер тегишлдидир; 3) конатив (хулқ-атворга оид) – хулқ-атворга тегишли реакция ва ўз миллатининг хулқ-атвор меъёрларига мослик, шунингдек, бошқа миллат ва жамиятга муносабат[30]. Шу тариқа бу муайян гуруҳ, этнос, халқ, миллатга мансублик ҳақида янада ифодаланган ва аниқ тасаввур беради.

Миллий идентикликни шакллантириш жараёни Ватан ҳақидаги тарихий тасаввурлар, этник гуруҳ, тилга мансублик туйғуси билан бевосита боғлиқ.

---

[29] Мадаева Ш.О. Идентиклик антропологияси. – Тошкент: Noshir, 2015. – Б. 78.

[30] Губогло М.Н. Идентификация идентичности: Этносоциологические очерки / М.Н. Губогло; Институт этнологии и антропологии им. Н.М. Миклухо-Маклая. – М.: Наука, 2003. – С. 54.

Миллий идентикликнинг асосий хусусиятларига қуйидагилар киради: шахснинг ижтимоий моҳияти; умумийлик (бир хиллик) ва ўзига хослик; сўзлашувга (диалог) асосланганлик; конструктивлик; кўп даражалилик.

Миллий идентикликни шакллантириш жараёнини комплекс ўрганиш маысадида асосий назарий ёндашувларни ажратиб кўрсатамиз, булар примордиализм, инструментализм ва конструктивизмдир. Примиордиализмда асосий жараён – инсон генетикасига хос бўлган ўзининг мансублигини англашдан иборат бўлиб, у туғилишидан бошланиб, маълум биологик жамоалар - миллатлар, халқлар, этнослар шаклланишига олиб келади, кейинчалик улар миллий давлатлар қурадилар. Конструктивизм – миллатчиликни ўрганишдагит илмий йўналиши ҳисобланади, миллат ёки этник жамоани ижтимоий конструкт сифатида ифодалайди. Инструментализм издошлари этнос ва этниклик хусусиятни турли элиталар, гуруҳлар ёки алоҳида инсонларнинг ўз мақсадларига (иқтисодий, сиёсий ёки бошқа) эришиш учун восита сифатида кўрадилар[31].

Тарихий ривожланиш жараёнида япон ва ўзбек халқларининг миллий идентиклик ҳақидаги тасаввурлар тадқиқотимизда муҳим ўрин эгаллайди. Шарқ мамалакатлари ўртасида Японияда биринчи бўлиб “халқ”, “миллат” ва “миллий идентиклик” ҳақидаги тасаввурлар «кокугакуха» миллий фанлар мактаби асосида ишлаб чиқилган. Унинг асосчилари келиб чиқиши самурайлар табақасидан бўлган Хирата Ацутане ва Мотоори Норигата бўлганлар. Император, анъаналар ва динни эъзозлаш халқнинг ягона миллатга мансублиги ҳақидаги тасаввурлар шаклланишининг асоси бўлиб хизмат қилган. Япон халқининг миллий идентиклик концептининг асосини илоҳийлаштирилган императорга бўйсуниш, хулқ-атворнинг ахлоқий меъёрлари, ахлоқий ва эстетик хусусиятлар ташкил қилган. Ғарбий ва япон маданиятларининг ўзаро таъсири ҳақида мулоҳаза юритиб, файласуф Нисида Китаро ўша даврнинг асосий шиори 和魂洋才 (вакон-ёсай) - «япон руҳи - Ғарб билимлари» бўлганини таъкидлаб ўтади, чунки миллий идентикликни асраб-авайлаш муҳимлиги англанган, лекин Ғарбнинг тажрибаси ва билимлари ҳам муҳим аҳамият касб қилган, билимлар Хитойдан олинган давр шиори эса 和 魂漢才 (вакон-кансай) – «япон руҳи - Хитой билими» бўлган эди.

Марказий Осиё халқлари дунёқараши шаклланиши тарихининг исломгача бўлган босқичида зардўштийлик, буддавийлик, христианлик ва манихейлик каби динлар муҳим роль ўйнаган. Маънавий қадриятларнинг қайта тикланиши даврида, ўзбек халқининг маданий ва маънавий келиб чиқишини объектив ўрганиш шароитида археологик ва этнографик тадқиқотларда зардўштийлик динининг Хоразмда пайдо бўлганлигини исботловчи маълум илмий далиллар келтирилган. Бундан ташқари, дунё ва инсоннинг бу дунёда муҳим аҳамиятини мифологик ва диний нуқтаи назардан тушуниш ривожланган, у маросимлар, урф-одатлар ва анъаналарда ифодаланган ҳамда ҳар бир этник жамоанинг ривожланиш даражасига мос

[31]Елишев С. Основы национальной политики // [Электронный ресурс]. http://suzhdenia.ruspole.info/node/1188

келган. Шундай қилиб, турли этник гуруҳлар бир-бири билан аралашиб борган, демак, зардуштийлик таълимотининг гуманистик йўналишини ифода этувчи уларнинг олам ва инсон, одатлар ва анъаналар тўғрисидаги тасаввурлари ҳам аралашиб кетган[32].

VII асрда Мовараннаҳрда исломнинг тарқалиши яна бир муҳим тарихий босқич бўлди, бунинг оқибатида маҳаллий аҳолининг конфессионал идентиклиги ўзгарган. Исломнинг тез тарқалиши исломнинг суннийлик йўналишининг қабул қилинишига олиб келди. Зеро, Ўрта Осиё мусулмонлари диний ҳаётининг ўзига хослиги – бу ўз ичига катта конфессионал макон халқларининг ютуқларини қамраб олган, ўзбекларнинг маънавий ҳаётини сезиларли даражада бойитган синтездир. Шу нуқтаи назардан, Марказий Осиё ҳудудида яшовчи халқлар орасида исломнинг қабул қилинишига таъсир кўрсатган Ҳанафий мазҳабини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу ўзбек халқининг диний идентиклигининг шакллантиришда муҳим роль ўйнади. Шарқ Уйғониш даврида Абу Наср ал-Форобий фанга катта ҳисса қўшди, унинг фикрича, жамият тили, ташқи кўриниши, ахлоқи, одатлари, феъл-атвори билан фарқ қиладиган турли халқлардан иборат. Абу Райҳон Беруний ўзининг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлари» асарида хоразмийлар ва сўғдийлар байрамлари тақвими, Марказий Осиё халқлари ҳаёти циклининг анъана ва урф-одатларини қайд қилади, буларга «лола сайли», «гул сайли», «қизил гул», «лолазор», «Меҳржон» ва бошқа байрамлар киради[33]. халқлар маданияти тарихи, турли халқларнинг урф-одат ва эътиқодлари, афсона ва ҳикоялари моҳиятини тақдим этади. Энг муҳими, Беруний «ёдгорликларни» халқнинг ижтимоий-маданий ҳаёти, дини, эътиқоди ва урф-одатлари билан боғлайди. Яъни, ҳар бир миллат ўзининг этник ва диний хилма-хиллиги билан ўзига хослик ҳосил қилади ва ноёбдир.

Юқоридаги фикрлардан қуйидагича хулоса қилиш мумкин: а) миллий идентикликнинг шаклланиши асрлар мобайнида давом этади, барча тарихий, диний, сиёсий ва ижтимоий компонентларни ўз ичига олиб боради, аста-секин ҳар бир халқнинг миллий қиёфаси пайдо бўла бошлайди; б) япон ва ўзбек халқларининг фалсафий-тарихий меросида миллий идентиклик ҳақидаги тасаввурлар илк диний қарашдан бошланиб, янги билим, янги кўникма ва янги дунёқарашни ўзлаштирган ҳолда узоқ йўлни босиб ўтган.

Диссертациянинг **«Япония ва Ўзбекистон халқлари миллий идентиклиги шаклланишининг компаратив таҳлили»** деб номланган иккинчи бобида этногенез жараёнида миллий идентикликнинг қиёсий-солиштирма таҳлили амалга оширилган, ушбу бобнинг иккинчи параграфида Япония ва Ўзбекистон халқлари миллий идентиклиги шаклланиши ҳамда ривожланишига миллий ўз-ўзини англашнинг таъсири таҳлил қилинган. Миллий идентиклик парадигмасининг компаратив таҳлили ўтказилган.

---

[32] Маҳмудова Г.Т. Зороастризм в контексте философии Восточного ренессанса // Марказий Осиё ренессанси журнали. – 2020. – № 1. – С. 7.

[33] Абу Райхан Беруни. Избранные произведения // Памятники минувших поколений. Т. 1. – Т.: Фан, 1968. – С. 223.

Анъанавий япон маданиятига бетакрорлик бағишлайдиган Япон халқи шаклланиши ва ривожданишининг ўзига хос хусусиятлари муаммоси Дзёмон, Яёи ҳамда Ямато даври ва маданияти билан боғлиқ. Дзёмон маданияти даврида япон ороллариии қадимги халқ – айнлар (япон аборигенлари) эгаллаган. Ямато даврида япон архипелаги секин-аста японлар томонидан эгаллана бошланди, бу эса айнларнинг тезкор сиқиб чиқарилишига олиб келди. Япон халқи бешта этник компонентлар негизида шаклланган, булар: 1) айнлар; 2) индонезияликлар (кумасо, ҳаято); 3) қадимги шарқий осиёликлар (ва аждодлар); 4) корейслар ва 5) хитойликлар[34].

Ўзбек халқининг этногенези замонавий фалсафа, антропология, этнология, социология, маданиятшунослик ва тарих фанларининг мураккаб ҳамда долзарб муаммоларидан биридир. Ўзбек халқи тарихи кўплаб тарихий босқичларни бошидан кечирди: Македониялик Александр истилоси даври, Турк хоқонлиги даври, форслар ҳукмронлиги, юэчжи қабиласи истилоси, араблар истилоси, мўғуллар босқини, Шайбонийлар салтанати ва чор Россияси даври. Табиийки, бундай шароитда ўзбек халқининг этник идентиклиги ягона ҳудудда яшаган халқларнинг тарихий ривожланиши ва миллий ўзига хос хусусиятларининг ўзгариши асосида шаклланди.

Ўтказилган тадқиқотлар бизга қуйидаги хулосалар чиқаришимизга имкон берди: биринчидан, миллий идентиклик бой тарихий-маданий мерос асосида шаклланади, бу ҳол этник гуруҳларнинг ягона халққа этник бирлашувини (консолидациясини) сезиларли даражада енгиллаштиради. Иккинчидан, ҳар бир халқ, этнос ва миллатнинг тарихи мураккаб ва зиддиятлидир, шу боис интеграция даврида миллий идентиклик муаммоси асосий ва муҳим бўлиб қолади. Учинчидан, ўзбек халқининг этник тарихи умумий маданият, анъана ва урф-одатларга эга бўлган қадимги туркий қабилалар ва халқлар билан боғлиқ.

Ҳозирги замон жамиятида ўз-ўзини идентификация қилишў жараёни муҳим вазифа бўлиб, инсон ўзини қандай идентификация қилишини, идентиклик мавзусини қандай қабул қилишини, миллий ўзликни англаш миллий идентикликнинг шаклланиши ва ривожланишига қандай таъсир қилишини тушунишга имкон беради. Миллий онг миллий ўзликни англашнинг асосини ташкил қилади. Миллий ўзликни англаш миллий идентикликка асосланган миллатнинг мавжудлигини назарда тутади, ўз навбатида, миллий идентиклик шахсни жамият билан айнанлаштиради.

Японларнинг миллий ўзлигини англашининг шаклланишини белгиловчи асосий омил японлар миллий маданий анъанаси ҳисобланади, унинг асосини нафақат мамлакат тарихий ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари, балки японлар миллий ўз-ўзини англашини шакллантирган синтоизм, буддавийк ва конфуцийчилик мифололгик тизимларининг мажмуаси бўлган ўзига хос диний қарашлар тизими ташкил қилади. Японияда миллий ўзликни англаш ўз миллий чегаралари ва маданиятини сақлаб қолишга интилишни келтириб

[34] Арутюнов С. А. Древний восточноазиатский и айнский компоненты в этногенезе японцев: Автореферат дис. … канд. ист. наук. – Москва, 1962. – С. 12.

чиқарган. Бу мамлакатнинг ўзини ўзи изоляция қилишига олиб келди. Японияда ўзини ўзи изоляция қилиш «сакоку» 鎖国, яъни “қулфланган мамлакат” деган ном олган. Ўзини ўзи изоляция қилиш даврида бошқа мамлакатлардан маданиятни ўзлаштириш япон қадриятлари призмаси орқали англанган. Шундай қилиб, ўзга маданиятлардан маънавий ва моддий қадриятларни ўзлаштириш анъанаси японларнинг ўз-ўзини англашининг шаклланишига катта таъсир кўрсатди ва いいとこ取り «иитоко-дори» номини олди. Иитоко-дори маданий ҳодиса бўлиб, фақат япон миллатига хосдир. «Иитоко-дори» ўзга маданиятни ўзлаштиришнинг асосий компонентлари мосланувчанлик, ассимиляция ва қўшилувчанлик кабилар ҳисобланади.

Демак, биринчидан, япон халқининг миллий ўз ўзини англаши Хитой ва Ғарб анъаналари таъсири остида шаклланди, замонавийлик, маданият ва тил элементларини ўзлаштирди, шу билан бирга, ўзининг яхлитлигини сақлаб борди ва ўз миллий анъаналар тизимини шакллантирди. Иккинчидан, «кокутай» япон халқининг анъанавий-эстетик қадриятлари асосида шаклланган миллий ўз-ўзини англашнинг муҳим элементи сифатида миллий идентикликни шакллантириш жараёнида ҳимоя механизми бўлиб хизмат қилди. Учинчидан, Япон халқига хос маданий-тарихий, ижтимоий-маданий ва хулқ-атвор стереотиплари японларнинг ноёблиги ҳақидаги 日本人論 – «нихондзин-рон» (японлар ҳақида назария), 日本文論 – «нихонбунка-рон» (япон маданияти назарияси), 日本論 – «нихон-рон» (Япония ҳақидаги назария) ғоялардан таркиб топган “японияслик ва япон маданияти” таълимотида баён этилган.

Марказий Осиёнинг минг йиллар давом этган тарихий ривожланишида афсона ва ривоятлар қайта ишланган, янги воқеалар, маълумотлар, ғоялар ва концепциялар билан бойитилган бўлиб, инсоният маънавий маданиятига ўз ҳиссасини қўшган. XIX аср охири – XX аср бошларида миллат ва миллий уйғониш масалаларини чуқур ўрганган жадидлар ислоҳотчилик ҳаракати минтақа аҳолиси бир қисмининг миллий ўз-ўзини англаши ва маънавий ҳаётига таъсир кўрсатди. Жадидларнинг энг кўзга кўринган вакиллари Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Файзулла Хўжаев, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний, Исҳоқхон Ибрат эди. Уларнинг асосий ғояси миллий озодлик, адолатга интилиш бўлиб, миллий ўзликни англашни сақлаш, миллий ғояни шакллантиришга қаратилган эди[35]. Жадидлар учун энг олий қадрият халқ (миллат) эди. Жадидлар миллатни ривожлантириш масаласида қуйидагиларни муҳим деб ҳисобланагнлар: 1) таълим ва маданият; 2) миллат қадриятларини онгли равишда тушунишни шакллантиришда самарали кучга айланиши мумкин бўлган дин; 3) миллатнинг маънавий ҳолатини белгилайдиган жамиятнинг тарихий онги.

[35] Махмудов Л.Ю. Феномен национальной идентификации в Центральной Азии в эпоху глобализации // Вестник ТМА. – Ташкент, 2019. – С. 157.

Юқорида келтирилган фикрларни умумлаштириб, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин: миллий ўз-ўзини англаш – бу ўзи ва ўзга миллатлар ҳақидаги тасаввурлар асосида миллат бирлиги ва унинг бошқа ўхшаш жамиятлар орасидаги ўрнини тушунишдир. Миллий онг ўз этник гуруҳига мансублик туйғуси асосида шаклланади, у ирқий намоён бўлиш, тил, маданият ва турмуш тарзидаги фарқлар асосида, бошқа этник гуруҳлар билан ўзаро таъсирда идрок қилинади.

Япония ва Ўзбекистон халқлари миллий идентиклиги парадигмасининг компаратив таҳлили тадқиқотимизда алоҳида ўрин тутади. Зеро, миллий идентиклик парадигмасини тадқиқ қилиш муайян жамият, халқ ва миллатга хос бўлган усуллар, эътиқодлар мажмуини ўз ичига олади. Идентикликни англаш халқнинг миллий менталитети ва характери моҳиятини очиб беришдан иборат. Миллат менталитети – чуқур маънавий хазина, муайян табиий-иқлимий ва тарихий-маданий маконда шаклланган жамоавий ва этник тасаввурлар мажмуидир. Миллий характер муайян этнос ёки халқнинг менталлиги, темпераменти, анъаналари, маданиятида ифодаланган ҳис-туйғулар (эмоционал ифодалар) мажмуини ўз ичига олади

Япония ва Ўзбекистон халқлари миллий идентиклигини қиёсий тадқиқ этиш шу вақтга қадар амалга оширилмаган, зеро, биринчидан, икки мамлакатнинг идентиклиги бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилади, чунки икки мамлакат маданий жиҳатдан бутунлай бошқа диний ва маданий анъаналар билан боғлиқ; иккинчидан, географик жиҳатдан Япония ва Ўзбекистон Евроосиё қитъасининг бутунлай бошқа-бошқа томонларида жойлашган; учинчидан, Япония ва Ўзбекистон халқларининг миллий идентиклигини ўрганишга ёрдам берадиган узоқ муддатли эмпирик маълумотлар тўпланмаган. Миллий идентиклик муаммоси инсоннинг маълум бир миллатга мансублигини белгилайди. Шу нуқтаи назардан, диалектиканинг «умумийлик – хусусийлик – алоҳидалик» фалсафий категориялари қўлланилса, ўзаро боғлиқ учта даражанинг бирлиги сифатида намоён бўлиши кузатилади.

Диссертациянинг **«Трансформация ва миллий идентиклик муаммоси – фалсафий ва тарихий таҳлил»** деб номланган учинчи бобида япон ва ўзбек халқларининг миллий идентиклигини шакллантиришнинг муҳим омили сифатидаги маданиятнинг тарихий-фалсафий таҳлили амалга оширилган, маданий анъаналар контекстида миллий идентикликни конструкция қилишда тилнинг ўрни очиб берилган, Япония ва Ўзбекистонда замонавий миллий идентиклик таҳлил қилинган.

Миллий идентикликни асраш жараёнида тарихийлик ва маданий ворисийлик тамойиллари муҳим роль ўйнайди. Ворисийлик категорияси халқларнинг маданий ва анъанавий қадриятларини аниқлашга имкон беради, диалектик алоқадорлик туфайли эски ва янгининг ворисийлиги амалга оширилади. Маданий қадриятлар деганда халқнинг ноёб моддий ва номоддий мероси, миллий анъана ва урф-одатлар, маънавий-эстетик тасаввурлар, ҳунармандчилик, фольклор, рақс ва театр санъати, меъморий иншоотлар

мажмуаси тушунилади. Маданий қадриятлар халқнинг ўзига хослигини, унинг интеллектуал ва ҳиссий энергиясини тўлиқ ифода этувчи рамз сифатида миллий характернинг ўзига хослигини, миллатнинг маданий-этник идентиклигини акс эттиради.

Японияда маданий ва эстетик қадриятлар миллий идентикликни шакллантириш ва мустаҳкамлашнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб, улар анъанавий япон жамиятида гўзалликни билишга асос яратиши аниқланган. Японияликларнинг дунёни эстетик идрок гўзаллик идеали алоҳида аҳамият касб этади, у учта тарихий-маданий рамзларда ифода этилган, булар: 物の哀れ (моно-но аваре) - «ашёларнинг мафтункорлиги»; 幽玄 (югэн) - «муқаддас гўзаллик»; 寂び – 侘び (ваби-саби) - «кўнгилда сақланган (юракдаги) гўзаллик». Шундай қилиб, япон халқининг ўзини ўзи белгилаши эстетик қадриятлар асосида шаклланади.

Анъанавий япон театри маданий ва миллий хусусиятларни, халқнинг умумий ички кечинмаларини намойиш қилади, халқнинг бетакрор эканлигини англашга ёрдам беради. Анъанавий театр учта асосий йўналишдан иборат: 雅楽 (гагаку – нозокатли мусиқа), 能 (но – маҳорат, усталик, иқтидор) ва 歌舞伎 (кабуки – рақс, маҳорат, моҳирона қўшиқ ва рақслар). Япон театри ўзининг намоён бўлишида эстетик категория бўлмиш 物の哀れ (мономанэ), яъни «воқеликка тақлид қилиш» тушунсига, иккинчидан – 幽玄 (югэн), яъни «ички маъно-моҳият» концепциясига таянган. Айни шу йўл билан театр халқнинг ҳаёти ва турмушини, маданий ўзига хос хусусиятларини, бетакрорлигини намойиш қилади. Қадимги Японияда маросим рақслари-афсунлар, мўл ҳосил ёки ёмғир сўраб қилинадиган рақс-ибодатлар, миннатдорчилик рақслари, худоларга қурбонликлар, қушларнинг сайраши ва улар товушларига тақлид қилиш, «мономане», «генроку ҳанами одори» («Сакура гулларидан завқланиш рақси») инсон ва табиат ўртасидаги уйғунликка асосланган анъанавий маданиятнинг бир қисми эди. Халқ рақси асосини синтоизм ва дзен-буддавийлик динлари ташкил этади, улар, ўз навбатида, миллатнинг ўзини ўзи эплай олишини (ёрдам ва ўзаро таъсирнинг деярли керак эмаслиги) шакллантирди, шунингдек японларга хос дунёни тушунишининг табиатини, унинг ҳаёт тарзи, турмуши, дунёқараши, анъаналар, маданият ва санъатнинг ажралмас ва муҳим қисми эканлигини очиб беради.

Ўзбек миллий қадриятлари умуминсоний ва минтақавий қадриятлар билан чамбарчас боғлиқ. Улар ўртасидаги доимий диалектик алоқадорлик ўзаро боғлиқ жаҳон цивилизацияси ривожланишининг муҳим омилларидан биридир. Умуман олганда, миллий-маданий қадриятлар ҳар бир миллатнинг моҳиятини, унинг муайян мустақил ижтимоий бирлик эканлигини белгилайдиган асосий мезонлардан биридир. Шарқда ўрта асрларда маданий ва эстетик қадриятлар, тамойил ва тушунчаларнинг ривожланиши тасаввуф билан боғлиқ. Тасаввуфда илоҳий камолотда намоён бўладиган Гўзаллик

категориясига катта эътибор берилган. Тасаввуфий эстетиканинг асосий тамойиллари маънавий ва ахлоқий шарафига моддий ва жисмонийдан воз кечиш ҳисобланади. Тасаввуфда гўзаллик уч асосий даражада намоён бўлади: 1) мутлақ, ўзгармас илоҳий гўзаллик; 2) моддий дунё нарса ва ҳодисаларининг гўзаллиги; 3) кўзга кўринмайдиган, инсон ишлари, хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ маънавий гўзаллик.

Анъанавий ўзбек театри замонавий Ўзбекистон ҳудудида азалдан мавжуд. Ўзбек театр санъатининг келиб чиқиши тақвим байрамлари (Наврўз, баҳор-лола байрами, қорхат ва бошқалар) билан боғлиқ халқ ўйинларида, оилавий байрамлар қўшиқ, рақс, ўйинлар билан бирга ўтган ва театрлаштириш элементларига эга бўлган. Ўзбек халқининг рақс маданияти энг мураккаб бадиий-маданий ҳодисалардан бири бўлиб, бу диний ва маиший урф-одатлар, маросимларнинг бевосита таъсири остида шаклланган халқлар маданий анъаналарининг муайян ўзаро таъсири билан шартланган. Хуллас, ўзбек халқининг бутун моҳияти рақсда ўз аксини топади, унда унинг гўзаллиги ва анъаналари, маданияти ва характери мужассамланган: қушлар ва ҳайвонларга тақлид қилувчи рақсларга «Қум пишиқ» (Юмронқозиқ), «Эчки ўйин», «Каптар ўйин», халқнинг меҳнат фаолиятини акс эттирувчи рақсларга «Ошпаз», «Этикдуз», цирк рақсларига «Машъал», «Ўт ўйин» («Оловли рақс»), «Дорбоз» («Арқонда рақс») ва бошқалар киради.

Юқоридагиларни сарҳисоб қилиб, хулоса қилишимиз мумкинки, ҳар бир миллатнинг асосий вазифаси – халқнинг ноёб ва буюк тарихий, маданий ва интеллектуал меросини, анъаналарини эҳтиёткорлик билан асраб-авайлаш ва ривожлантириш, шунингдек, унинг ютуқларини ёш авлод орасида кенг оммалаштиришдан иборат. Миллий манфаат ва маданий қадриятларни ҳимоя қилиш – миллий идентикликни сақлаш ва бойитиш, демак. Чунки маданий қадриятлар миллий идентикликда катта из қолдиради, ҳар икки халқнинг руҳи ва менталитетини мустаҳкамлайди.

Маданий анъананинг муҳим таркибий қисмларидан бири тилдир, чунки у миллий идентиклик кўрсаткичи, халқнинг муайян тафаккури ва менталитетини шакллантириш воситасидир. Тил маълум маълумотларни қайта ишлаб чиқариш элементи сифатида тарихий хотирани, маданий ва адабий меросни ўз ичига олади ва ҳар бир халқ учун асосий алоқа воситаси бўлиб хизмат қилади. Бу билан боғлиқ равишда миллий идентикликни шакллантириш ва тақдим (репрезентация) қилишда тилнинг муҳимлиги масаласи юзага келади. Тилда миллат ва этноснинг асосини ташкил этувчи маданий-қадриятларга оид ўзига хос хусусиятлар ифодаланади. Тил миллатни бирлаштирувчи кучли механизм бўлиб, янги дунё тартибини шакллантиришнинг бурилиш нуқтасида миллий идентикликни сақлаш вазифасини ҳал қилишга ёрдам беради.

Ҳозирги замон шароитида миллий идентиклик трансформацияси сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий соҳада содир бўлаётган ўзгаришларга, шунингдек «оммавий маданият»нинг тарқалиши, истеъмолчиликка сиғинишга (культи) бевосита боғлиқ, булар ахлоқнинг ва қадриятларга йўналганликнинг

емирилиши, маънавий-ахлоқий мўлжалларнинг ўзгаришига, прагматизмга интилишга ва, айниқса, миллий қадриятларнинг емирилишига олиб келмоқда. Шу муносабат билан инсоннинг маънавий дунёсини, халқнинг маданияти ва ўзига хослигини белгилайдиган барча нарсани сақлаш ва кўпайтириш зарурати ортиб бормоқда.

Шу нуқтаи назардан, умуман миллий идентиклик трансформациясига таъсир этувчи бир қатор омиллар ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ, булар, биринчидан, «деперсонализация» жараёни, яъни шахсни бегоналашиб кетиши жараёнидир. Энг катта таҳдидлардан бири ижтимоий ва маънавий бегоналашишдир. Иккинчидан, миллий идентикликнинг инқирози идентикликнинг шакллантириш ва ривожлантириш тизимида муҳим роль ўйнайдиган анъанавий ижтимоий институтларнинг (оила, ижтимоий ва мафкуравий институтлар) бузилиши билан боғлиқ. Учинчидан, замонавий технологиялар (Интернет, ижтимоий тармоқлар, инновацион технологиялар, дастурлар ва гаджетлар) таъсири туфайли шахс маънавий ривожланишининг ўзгариши содир бўлмоқда, бу умуман миллий идентикликнинг ўзгаришига олиб келмоқда. Тўртинчидан, глобаллашув, геосиёсий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, минтақавий, ижтимоий-маданий ва бошқа жараёнларнинг динамик ривожланиши. Бешинчидан, бегона маданият, анъаналар ва ёт ғояларни ягона қадриятлар тизими сифатида зўрлаб ўтказиш ва тарғиб қилиш.

Ҳозирги вақтда Япония ички масалаларга эътибор қаратмоқда ва ўзини чет эллар таъсирлардан ҳимоя қилмоқда. Америка ва Ғарб маданиятининг таъсири иқтисодий соҳада, ижтимоий-маданий ва қадриятларга йўналганлик соҳаларида, япон халқининг оилавий қадриятлари ва маданий ҳаётида ўзгаришларга олиб келди. Бироқ, Япония ҳар доим «ёпиқ мамлакат», «сирли мамлакат» бўлиб келган, унда анъанавий тизим ва энг янги технологияларнинг бирга қўшилиши мамлакатнинг жадал иқтисодий ривожланишига сабаб бўлган. «Япония иқтисодий мўъжизаси» - тарихий ҳодиса бўлиб, у япон халқининг ақл бовар қилмас сабр-тоқати, жамоавийлиги, меҳнатсеварлиги, фидойилигининг кўрсаткичидир. Миллий сиёсатни мустаҳкамлаш доирасида Япония ҳукумати миллий маданият, мафкура, иқтисод, таълим ёрдамида, Японияни дунёда маданий куч сифатида мартабасини ошириш мақсадида «Cool Japan»[36] брендни яратишга қарор қилди.

Шубҳасиз, глобаллашув Ўзбекистонда миллий идентикликни ривожлантиришда ўзига хос тузатишлар киритди. Ўзбекистонда миллий меросни асраб-авайлашга, анъаналарни оммалаштиришга катта эътибор қаратилмоқда, ёш авлод тарбиясига алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Буларнинг барчаси Ўзбекистон Республикасининг ёшларга оид сиёсати доирасида амалга оширилмоқда. Гендер тенглиги масалаларига алоҳида эътибор қаратилади, чунки аёлларга миллий идентикликни сақлаш, ривожлантириш ва мослаштириш, миллий ўзини ўзи англашни шакллантириш ва миллий анъаналарнинг икир-чикирларини тушуниш хосдир. Ўзбекистон

[36] Официальный ресурс Министерства экономики, торговли и промышленности URL: http://www.meti.go.jp/policy/mono_info_service/mono/creative/index.htm

замонавий жамиятида ўзини ўзи идентификациялашнинг диний жиҳати маҳаллий аҳолини бирлаштиришда муҳим таркибий қисмлардан биридир. Ҳозирги Ўзбекистонда бағрикенглик, ҳурмат, инсонпарварлик каби фазилатлар динлараро мулоқот ва ўзаро тушуниш воситаси сифатида катта аҳамият касб этади.

ХУЛОСА

Тадқиқот натижасида қуйидаги назарий хулосаларга келинди:

1. Фалсафа тарихида, чунончи, антик давр, ўрта асрлар, Уйғониш даври, Янги давр файласуфлари таълимотларида «идентиклик» тушунчасига берилган таърифларга асосий ёндашувлар кўриб чиқилган. Классик фалсафада идентиклик ҳодисасини «айнанлик» ва «ўзлик» категориялари орқали талқин қилинган ва субъект билан боғлиқ бўлган. Ғарб фалсафасида идентиклик тўғрисидаги тасаввур этник ёки миллий идентикликка қараганда кўпроқ шахсий идентиклик билан боғлиқ.

2. Миллий идентиклик ҳодисаси қуйидаги хусусиятлар билан тавсифланади: ижтимоий моҳият, умумийлик ва тафовут, сўзлашув (диалог) ва интерфаоллик, конструкциялаш, кўп даражалилик. Миллий идентиклик таркиби когнитив, аттитюд, конатив компонентлардан иборат. Ҳозирги замон фанида миллий идентиклик назарияси примордиализм, конструктивизм, инструментализм каби учта асосий ёндашув доирасида ривожланмоқда.

3. Япон миллий идентиклигининг узоқ вақт давом этган ижтимоий-тарихий ривожланишида Мэйдзи даврида бошланган жараёнлар японияликларнинг ижтимоий ҳаётида улкан ўзгаришларга олиб келди. Фалсафий-тарихий мероснинг эволюцияси жараёнида Японияда "кокугаку" миллий тадқиқотлари, юрак, қалб ҳақидаги «сингаку», «вакон-ёсай», «вакон-кансай» фалсафий таълимоти ривожланди. Ўзбекистоннинг фалсафий-тарихий мероси бўлмиш «Авесто», буддавийлик, ислом, тасаввуфга асосланган диний-фалсафий дунёқараш миллий идентиклик шаклланиши жараёнига таъсир кўрсатди, ўзбек халқининг миллий характерида из қолдирди ва меҳрибонлик, ижодкорлик, байналмилаллик каби фазилатларни намоён этди.

4. Миллий идентикликнинг муҳим таркибий қисми бўлган миллий ўз-ўзини англаш муайян халқ тўғрисидаги этник ва маданий-тарихий тасаввурларни сақлайдиган билимлар мажмуасидир. Миллат шаклланишининг дастлабки босқичларига диний ва мифологик ўз-ўзини англаш хос. Япон миллий ўз-ўзини англашнинг шаклланиши "иитоко-дори", яъни ўзга маданиятни ўзлаштириш, мослашувчанлик, ассимиляция, қўшилувчанликка асосланган ва миллий идентикликни йўқотиш хавфи билан боғлиқ бўлган. Ўзбек миллий ўз-ўзини англашнинг шаклланишига жадидлар миллий ҳаракати таъсир кўрсатди, уларнинг асосий мақсади адолатга, миллатни уйғотишга интилиш, таълим ва маданиятни яхшилаш, миллий қадриятларни англаб етишгдан иборат эди.

5. Ҳар бир халқнинг миллий идентиклиги миллий менталитет ва менталлик билан ўзаро боғлиқ. Япон ва ўзбек менталитети анъанавий ва диний

қадриятлар асосида ҳосил бўлган. Япон ва ўзбек халқларининг миллий идентиклигини қиёсий таҳлил қилиш жараёнида жамоа ҳосил қилиш ва жамоавийлик, патернализм, бурч туйғуси, катта ва кичикка ҳурмат билан муносабатда бўлиш, бағрикенглик, сабр-тоқат ва соддалик каби ўхшаш фазилатлар аниқланди.

6. Тадқиқотимизда япон ва ўзбек миллий идентиклиги шаклланишининг хусусиятлари аниқланди, Япония ўзининг ноёблиги ва анъаналарини сақлаган ҳолда ўз муносабатларини уйғунлаштиради маданиятлараро ҳамжамиятга интеграциялашади, деган узил-кесил хулосага келдик. Ўзбек миллий идентиклиги шаклланишнинг мураккаб босқичидан ўтиб бормоқда, анъанавий қадриятлар призмаси орқали ўз миллий идентиклик қиёфасини яратмоқда.

7. Анъаналар ворисийлиги тамойили башарият маданияти ривожланишидаги узлуксиз алоқадорликни кўрсатади. Шунинг учун маданий қадриятлар халқ билан диалектик алоқадорликда бўлади ҳамда тарихий даврлар алоқасини, авлодлар тарихий хотирасини ва миллий ўзликни англашни сақланишига кўмаклашади.

8. Идентикликнинг трансформацияси жамиятдаги ўзгаришлар билан шартланган. Ҳозирги замон жамиятида жадал ўзгараётган дунё шароитида оила, давлат, таълим тизими каби анъанавий ижтимоий институтлар беқарор бўлиб қолди, натижада турли-туманлик ва мутаносиблик (келишганлик) шахсий ҳамда миллий идентиклик меъёри сифатида намоён бўлмоқда. Идентиклик инқирозидан ўтиб, инсон ОАВ, масс-медиа ресурслари, ахборот технологиялари таъсирида ўз идентиклигини ўзгартиради.

SCIENTIFIC COUNCIL DSc.03/30.12.2019.F.01.05 IN ACCORDANCE OF ACADEMIC DEGREES AT THE NATIONAL UNIVERSITY OF UZBEKISTAN

TASHKENT STATE UNIVERSITY OF ORIENTAL STUDIES

RAVSHANOVA MAKHFURAT MUROD KIZI

PHILOSOPHICAL AND COMPARATIVE ANALYSIS OF THE NATIONAL IDENTITY OF THE PEOPLES OF JAPAN AND UZBEKISTAN

09.00.03 – History of philosophy

ABSTRACT OF THE DISSERTATION OF THE DOCTOR OF PHILOSOPHY (PhD) ON PHILOSOPHICAL SCIENCES

Tashkent – 2022

The theme of doctoral dissertation (PhD) was registered at the Supreme Attestation Commission at the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under number B2019.2.PhD/Fal305.

The doctoral dissertation has been prepared at the Tashkent State University of Oriental Studies. The abstract of the dissertation in three languages (Uzbek, Russian, English (Resume)) on the website of the Scientific Council (www. fs-if.uz) and on the website of «ZiyoNet» information and educational portal (www.ziyonet.uz).

Scientific consultant:	**Izzetova Emine Mustafaevna** the Doctor of philosophical sciences, assistant professor
Official opponents:	**Karimov Bakhtiyor Raxmonovich** the Doctor of philosophical sciences, professor
	Madaeva Shakhnoza Omonullaevna the Doctor of philosophical sciences, professor
Leading organization:	**Tashkent state university of economics**

The defense of the thesis will be take place at ____ on «___»_____ at the meeting of the one-time Scientific Council at the Scientific Council No. _____at the National University of Uzbekistan. (Address: 100174, 4 University street, Tashkent, telephone: (99871) 227- 12-24; fax: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz. The building of the Faculty of Social Sciences of the National University of Uzbekistan, 5 st floor, cabinet 511.

The dissertation may be taken from the Information Resource Centre of the National University of Uzbekistan under No.____ (Address: 100174, Tashkent, Administrative Building of the National University of Uzbekistan, first floor, room 4. Tel.: (+998 71) 236-46-55; fax: (99871) 246-02-24.

Abstract of the dissertation is distributed on «___» _____2021
Protocol at the register No _____ dated «___» _____ 2021

I.S, Saifnazarov,
Chairman of the Scientific Council for awarding scientific degrees, the Doctor of political sciences, the professor

G.M. Ruzmatova,
Scientific Secretary of the Scientific Council for awarding scientific degrees, The doctor of Philosophy, the professor

O.D. Nishonova,

Chairman of the Scientific Seminar at the Scientific Council for awarding scientific degrees, The Doctor of Philosophy, the professor

INTRODUCTION (PhD thesis annotation)

The aim of the research work is to analyze the scientific-methodological characteristics of the national identity of Japan and Uzbekistan in the context of the global world through the prism of a historical and philosophical approach.

The object of the research work is the national identity of the peoples of Japan and Uzbekistan.

The subject of the research work is the historical and philosophical aspects of the national identity of the peoples of Japan and Uzbekistan.

Methods of research. Such methods as philosophical-comparative, historical and logical analysis, analytical, method of analogy and interpretation, scientific objectivity, interdisciplinary approach.

Scientific novelty of the research work is as follows:

- the influence of socio-historical, cultural dynamics and national identity, philosophy, religion, traditions, language, national holidays and historical memory on the genesis of national identity is revealed, it is determined that national identity is an important component of the development of mutually beneficial cooperation between countries;

the dialectic of the interrelation of stages, levels of ethnogenesis, consciousness and national identity is proved, the general (collectivism, paternalism, hierarchy) and special (ethnic, cultural and civilizational development, national ideology, geographical and religious factors) in the models of national identity of Japan and Uzbekistan are singled out;

the historical, sociocultural, conceptual foundations of the essence and structure of national identity as a social phenomenon (cognitive, attitude, conative) are revealed, it is determined that the theory of national identity develops within the framework of three fundamental approaches: primordialism as belonging to a nation with a certain ethnic group and distinctive features, constructivism as an artificial construct of ethnic groups, instrumentalism as a situational, economic, political and social mechanism;

axiological, ideological, spiritual and educational, historical and philosophical factors are identified that determine the differences in religious and cultural traditions and similarities in strengthening such qualities as tolerance, respect, humanity, which are the result of successive development, contribute to overcoming the crisis of national identity in the format of the «East-East» dialogue based on the experience of the peoples of Japan and Uzbekistan.

Implementation of the research results. The results of the research carried out on the identity of the Japan and Uzbekistan peoples have introduced the following:

the results and conclusions regarding the influence of socio-historical, cultural dynamics and national identity, philosophy, religion, traditions, language, national holidays and historical memory on the genesis of national identity is revealed, it is

determined that national identity is an important component of the development of mutually beneficial cooperation between countries were used by the Ministry of Innovative Development of the Republic of Uzbekistan (reference No. 02-19 / 3572 of 18 June 2021). The use of the results and conclusions served as a guide in building mutually beneficial cooperation with Japanese partners, in particular scientists, students and other segments of the population, as well as in the implementation of the goals set by the ministry;

scientific conclusions and recommendations that, the dialectic of the interrelation of stages, levels of ethnogenesis, consciousness and national identity is proved, the general (collectivism, paternalism, hierarchy) and special (ethnic, cultural and civilizational development, national ideology, geographical and religious factors) in the models of national identity of Japan and Uzbekistan are singled out were used the Uzbekiston TV channel in the radio broadcasts «Bedorlik», «Ta'lim va taraqqiyot», «Adabiy jarayon» (reference No. 04-25-981 of June 8, 2021 of the National TV and Radio Company of Uzbekistan). The results obtained contributed to the development of knowledge among radio listeners about the process of formation and stages of development of Japanese and Uzbek national identity;

scientific conclusions and recommendations of the historical, sociocultural, conceptual foundations of the essence and structure of national identity as a social phenomenon (cognitive, attitude, conative) are revealed, it is determined that the theory of national identity develops within the framework of three fundamental approaches: primordialism as belonging to a nation with a certain ethnic group and distinctive features, constructivism as an artificial construct of ethnic groups, instrumentalism as a situational, economic, political and social mechanism were used on the Takdimot TV show of the Uzbekiston Tarixi TV channel (reference No. 01-02-1626 of October 14, 2021). As a result, the scientific materials reflected in the program served to expand the audience's knowledge about the nature and structure of national identity;

axiological, ideological, spiritual and educational, historical and philosophical factors are identified that determine the differences in religious and cultural traditions and similarities in strengthening such qualities as tolerance, respect, humanity, which are the result of successive development, contribute to overcoming the crisis of national identity in the format of the «East-East» dialogue based on the experience of the peoples of Japan and Uzbekistan were used in the framework of the seminar «Culture, customs and traditions of peoples: Japan and Uzbekistan» (reference No. 50 dated May 18, 2021, Uzbek-Japanese Center). The scientific results allowed young people to enrich their knowledge of national identity in the format of the East-East dialogue and the stages of its development.

The structure and scope of the dissertation. The structure of this dissertation consists of an introduction, three chapters, nine paragraphs, a conclusion, a list of references. The total volume of the thesis is 129 pages.

СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ
ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РУЙХАТИ
LIST OF PUBLISHED WORK

I часть (1 бўлим; part 1)

1. Равшанова М. М. The essence of the concept of national identity in the context of globalization processes // Шарқшунослик. – Тошкент, 2018. – №3. – С. 138-142. (09.00.00; № 4).

2. Равшанова М.М. Problem of the concept of personality and person in Japanese culture // ЎзМУ хабарлари. – Тошкент, 2019. – №1. – С. 109-112. (09.00.00; № 14).

3. Равшанова М.М. Компаративный анализ как метод научного исследования // Фалсафа ва ҳуқуқ. – Тошкент, 2019. – № 2. – С. 55-59. (09.00.00; № 15).

4. Ravshanova M.M. The essence and content of «Identity» and «National identity» in the context of globalization processes // Scientifically-methodical journal «SOCIOSPHERE» – Prague, 2019. – №2. – P. 41-44. (№5; GIF,1.88).

5. Равшанова М.М. Traditional values of Japan and Uzbekistan as a factor in preserving national identity in the context globalization // Илм сарчашмалари. – Урганч, 2020. – № 2. – P. 19-22. (09.00.00; № 17).

6. Ravshanova M.M. Transformation of the modern national identity of the peoples of Japan and Uzbekistan // Asian Journal of Multidimensional Research. // ISSN: 2278-4853 Vol. 10, Issue 3, 2021. – P. 491-494. (№23; SJIF, 7.699).

7. Ravshanova M.M. Language as a means of preserving national identity in Japan and Uzbekistan // ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. // Vol. 11, Issue 3, 2021. – P. 2160-2166. (№23; SJIF, 7.492).

8. Ravshanova M.M. Compative analysis of the national identity of the Japan and Uzbekistan in the process of ethnogenesis // International scientific and practical conference. – Shawnee, USA, June, 2021. – P. 28-31.

II часть (2 бўлим; part 2)

9. Равшанова М.М. Проблема национальной идентичности в философии Японии // Миллий ва умуминсоний маданиятлар уйғунлиги: Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент, ЎзМУ, 2016.– С. 94-97.

10. Равшанова М.М. Влияние китайской культурной традиции на становление и развитие японского менталитета и искусства // Актуальные вопросы китаеведения: филология, философия, история, экономика и культура: Материалы международной научно-практической конференции. – Ташкент: ТДШИ, 2016. – С. 140-145.

11. Ravshanova M.M. The problem of strengthening and preserving the national identity in the era of geopolitical contractions // Ethnocultural identity as a

strategic resource of consciousness of society in the conditions of globalization: Materials of the VI international scientific conference. – Prague: Sociosfera-CZ, 2018. – P. 48-52.

12. Равшанова М.М. Influence of religious and philosophical system of China on world view of the Japanese people // Uzbekistan-China: Development of historical, cultural, scientific and economic relations: Materials of international scientific conference. – Tashkent: TSIOS, 2018. – P. 215-218.

13. Ravshanova M.M. Feature of national identity in the context of globalization processes // Шарқ фалсафаси ва маданияти қадриятлари: Шарқ цивилизацияларарo мулоқоти контекстида: IV Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент: ТДШИ, 2019. – Б. 133-136.

14. Равшанова М.М. Проблема совершенствования личности в философии Абу Райхана Беруни и Кимура Бин // Мерос. – Тошкент, 2019. – № 2. – С. 85-91.

15. Равшанова М.М. Влияние конфуцианской идеи на идеологию, культуру и менталитет японского народа // Uzbekistan-China at a new stage: The development of cultural-historical, scientific and economic relations. International scientific conference. – Tashkent: TSIOS, 2019. – С. 277-282.

16. Равшанова М.М. Influence of worldview on the formation of national identity of the peoples of Japan and Uzbekistan // Турфа маданиятлар, миллат, тил ёндашувидаги қиёсий-типологик тадқиқотлар: ТДШИ ва Цукуба университети қўшма конференцияси. – Ташкент: ТДШИ, 2019. – С. 248-252.

17. Равшанова М.М. Философский анализ национальной идентичности народов Японии и Узбекистана // Шарқ машъали. – Тошкент, 2020. – № 4. – С. 115-123.

18. Равшанова М.М. Сущность и особенности национального менталитета узбекского народа. (В соавторстве) // Global science and innovations 2020: Central Asia international scientific conference. – Nur-sultan, June-July, 2020. – № 4–3. – P. 85-89.

19. Равшанова М.М. Межкультурные коммуникации и проблема сохранения японской национальной идентичности в эпоху глобализации // Турфа маданиятлар, миллат, тилларни қиёсий-типологик тадқиқотлар орқали англаш: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент: ТГУВ, 2020. – С. 293-304.

20. Равшанова М.М. Влияние народного танца на формирование и сохранение национальной идентичности народов Японии и Узбекистана // Марказий Осиё халқларининг маданий ҳамкорлик истиқболлари: I Халқаро илмий–амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент: ЎзДХА, 2020. – С. 331-335.

21. Равшанова М.М. Воспитание положительных качеств национального характера японского народа // Шоислом Шомухамедов номидаги Ёш Шарқшуносларнинг IV Форуми материаллари тўплами. – Тошкент: ТДШУ, 2020. – С. 176-179.

22. Равшанова М.М. Проблема гармонично развитой личности в философии мыслителей Востока // Шарқ алломалари ёзма меросининг илмий, фалсафий, маънавий тафаккурдаги ўрни: Илмий маколалар тўплами. – Тошкент: ТДШУ, 2020. – С. 301-303.